“ТАСДИҚЛАЙМАН”
«Tahiyatosh IES» АЖ бош директори

_______________Ф. Халилаев

2021 йил “24” 02 __________

“КЕЛИШИЛДИ”
“Иссиқлик электр станциялари” АЖ
бошқарув раиси

_______________Ф.М. Абдурахманов

2021 йил “____” __________

**“Tahiyatosh IES” АЖни трансформация қилиш, ишлаб чиқариш харажатларини мақбуллаштириш ва операцион самарадорликни ошириш бўйича**
**“Йўл харитаси”**

| № | Тадбирлар | Амалга ошириш механизмлари | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботларни тайёрлаш тизимини тўлиқ жорий этиш. | 1.2020 йил учун молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар (кейинги ўринларда - МҲХС) асосида, консультантлар ёрдамида тузиш.<br>2.2020 йил учун МҲХС асосида тузиладиган молиявий ҳисоботни халқаро аудит стандартлари асосида ташки аудит текширувидан ўтказиш ва аудиторлик хулосасини олиш.<br>3.Ўзбекистон ёқилғи-энергетика мажмуасини рақамлаштириш бўйича концепциясини ва “ИЭС” АЖнинг ягона ҳисоб тизимини бир қисми сифатида, 1:С платформасидаги бухгалтерия ҳисобини автоматлаштирилган дастурий таъминотини МҲХС талабларига мувофиқ жорий этиш.<br>4.2021 йил якунлари бўйича молиявий ҳисоботни МҲХС бўйича тайёрлаш ва 2022 йилдан бошлаб бухгалтерия ҳисобини МҲХСга асосан юритиш. | 01.04.2021 й.<br>01.05.2021 й.<br>2021 йил давомида<br>2021 - 2022 йиллар | Сулайманов А., Ганиев Б. |

| № | Тадбирлар | Амалга ошириш механизмлари | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 2. | Халқаро консалтинг ташкилоти билан ҳамкорликда операцион самарадорликни ошириш бўйича чора тадбирларни белгилаш. | 1.Асосий фаолият кўрсаткичларини диагностика қилиш ва шу асосида устувор йўналишларни аниқлаш.<br>2.Мавжуд ҳолатни ҳисобга олган ҳолда илғор тажрибаларни таҳлил қилиш ва қўлланилишини баҳолаш асосида операцион самарадорлигини ошириш йўналишларини аниқлаш, шунингдек қисқа ва ўрта муддатли ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш. | 2021-2025 йил давомида | Рахимова М.<br>Онгарбаев А. |
| 3. | Жамиятни молиявий соғломлаштириш ва ишлаб чиқариш харажатларини мақбуллаштириш. | 1.Идоралараро тариф комиссиясининг ишчи органи билан ҳамкорликда жамиятни операцион ва инвестиция харажатларини тўлиқ қоплаш имконини берадиган, электр энергияси тарифларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш.<br>2.Идоралараро тариф комиссиясининг ишчи органи билан ҳамкорликда, жамиятнинг молиявий оқимлари тақчиллигини бартараф этиш мақсадида, истеъмолчиларга етказиб бериладиган электр энергияси учун келиб тушадиган пул маблағларининг амалдаги тақсимотига ўзгартириш киритиш.<br>3.Бошланмаган лойиҳалар ва молиявий манбалари аниқланмаган лойиҳаларни тўхтатиб туриш мақсадида, корхоналарнинг барча инвестиция лойиҳаларини инвентаризация қилиш.<br>4.Жамиятнинг иқтисодий фаолиятини режалаштириш, инвестиция лойиҳалари ва уларни молиялаштиришнинг аниқ манбалари, шу жумладан халқаро молия бозорларидан маблағларни жалб этиш, шунингдек молиявий моделини шакллантириш мақсадида уч йиллик бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни таъминлаш.<br>5.Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини қисқартириш, табиий газ сарфини 2021 йилда 1 кВт. соат электр энергияси ишлаб чиқариш учун 357 грамм шартли ёнилғига, яъни 57,4 млрд сўмга қисқартириш ва ускуналарни таъмирлаш харажатларини 2021 йилда 2 525,4 млн.сўмга қисқартириш. | 01.05.2021 й.<br>01.05.2021 й.<br>01.04.2021 й.<br>01.04.2021 й.<br>2021 йил давомида | Рахимова М.<br>Онгарбаев А. |

| № | Тадбирлар | Амалга ошириш механизмлари | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 4. | Жамиятда замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш. | 1.Жамият кузатув кенгашига малакали мутахассисларни танлов асосида жалб қилиш.<br>2.Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясини "Менежментнинг замонавий усуллари" ва "Замонавий ёш лидерларни тайёрлаш" ўқув курсларида корхона мутахассисларини малакасини ошириш.<br>3.Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги "Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби"да Корпоратив бошқарув тамойиллари бўйича барча раҳбар ходимларни ўқитиш.<br>4.Жамият фаолиятида "мувофиқлик тизими" (комплаенс) ва коррупцияга қарши хизматини жорий этиш. | 2021 йил давомида<br>2021-2023 йиллар<br>2021-2023 йиллар<br>01.07.2021 й. | Туханова Д., Алимбаев С., Уразимбетова М. |
| 5. | Операцион фаолиятни такомиллаштириш доирасида энерготежамкор технологияларни жорий этиш. *(янги энергоқурилмаларни станцияга жорий қилиш ёки мавжуд қурилмаларни модернизация қилиш).* | 1.Станцияни келажакда ривожлантириш бўйича аниқ концепциясини ишлаб чиқиш.<br>2. 35,110,220 кВли ОТҚ ларда мойли ўчиргичларни "элегаз" ўчиргичларига алмаштириш (24та ўчиргич). РҲА панелларни замонавий микропроцессорларга алмаштириш (25 комплект панел).<br>3.Станциянинг маъмурий биноларига қуёш панелларини ўрнатиш ҳисобига хўжалик эхтиёжлари учун электр энергиясини йилига 10,6 минг кВт.с тежаш. | 2021 йил 1-2 чорак<br>2021 йил 1-2 чорак<br>2021 йил | Нуримбетов М., Джуманиязов Р., Бабажанов Т. |
| 6. | Соҳага оид бўлмаган фаолият турларини ва самарасиз асосий воситаларни сотувга чиқариш. | 2021 йил март ойида қурилиши тугалланиб фойдаланишга топшириладиган тиббий диагностика марказини ва корхона балансидаги Тахиатош шахри, Абдамбетов, Бабанов кўчасида жойлашган 2 ўринлик мехмонхоналарни қонунда кўрсатилган тартибда очиқ савдолар орқали сотувга чиқариш таклифини жамият Кузатув Кенгашига киритиш. | 2021 йил 4-чорак | Туханова Д. |
| 7. | Корхона фаолиятини рақамлаштириш ва шу орқали харажатларни қисқартириш. | 1.Харажатларни назорат қилиш, иссиқлик энергияси, совуқ сув ва табиий газ ҳисоблагичларини АСКУЭ тизимига мослаш;<br>-хар бир ускуна бўйича техник-иқтисодий кўрсаттичларни автоматик ҳисоблаш.<br>-"Tahiyatosh IES" АЖнинг ишлаб чиқариш актив қуватига янги | | |

| № | Тадбирлар | Амалга ошириш механизмлари | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | қурилган иккита БГҚни актив қувватини умумийлаштириш визуализация тизимини модернизация қилиш.<br>2.Автоматлаштирилган диспетчерлик (SCADA), ҳамда ахборот бошқарув (ERP) тизимларини станция ишлаб чиқариш жараёнига жорий қилиш.<br>3.Компьютер қурилмаларини босқичма-босқич янгилаш ва компьютер паркини кенгайтириш.<br>4.Ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида:<br>-марказлашган ҳолда компьютерларни бошқариш (домен) тизимини жорий қилиш ва рухсат берилмаган дастурларни ишлатишни чегаралаш.<br>-станцияда маълумотларни четга чиқишини олдини олиш дастурларини (DLP) жорий қилиш. | 2021-2025 йиллар давомида | Бабажанов Т.<br>Аманов К. |
| 8. | Таъмирлаш ва эксплуатация жааръёнида фойдаланиш учун зарур бўлган айрим эхтиёт қисмларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш. | 1.Эски дастгохни созлаш, таъмирлаш ишларини амалга ошириш, БГҚ қурилишидан сўнг топшириладиган янги дастгохлар хисобига парк имкониятларини кенгайтириш, хом ашё билан таъминлаш.<br>Тасдиқланган локализация дастури бўйича эхтиёт қисмларни ойма-ой ишлаб чиқариш ва таъмирлаш ишлари даврида ишлаб чиқарилган эхтиёт қисмларни алмаштириш (ўрнатиш).<br>2.Умумий миқдорда йил давомида 224,9 млн.сумлик маҳсулот махаллийлаштириш дастури асосида ишлаб чиқариш кўзда тутилган, жумладан:<br>86,5 млн. сўмлик насослар учун вал;<br>73,2 млн.сўмлик турли хил метизлар;<br>30,0 млн сўмлик насослар учун ярим муфталар;<br>22,0 млн. сўмлик хар хил фланецлар;<br>13,2 млн.сўмлик ярим муфталар учун палецлар. | 2021-2022 й.<br><br>2021 йил давомида | Халиков С.<br>Алимбаев К. |
| 9. | Жамиятда замонавий билимларга эга малакали мутахассисларни тайёр-лаш, ҳамда халқаро танлов асосида жалб қилиш. | 1.Ходимларни "Бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доираси"да малакасини ошириш мақсадида, "Иссиқлик электр станциялари" АЖ томонидан ташкил этиладиган ўқув курсларида иштирок этишини таъминлаш ва камида 2 нафар ходимни халқаро сертификатлар (АССА) олишини ташкиллаштириш. | 2021-2022 й. | |

| № | Тадбирлар | Амалга ошириш механизмлари | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | 2.Олий маълумотга эга бўлмаган мутахассисларни олий ўкув юртлари сиртқи бўлимларида таълим олишини ташкиллаштириш.<br>3.Замонавий типдаги қурилмаларни бошқариш бўйича замонавий ўкув марказларида хорижий мутахасисларни жалб қилган ҳолда ўкитишни ташкиллаштиришга таклиф киритиш.<br>4.Ходимларни замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиш бўйича ўкитиш, билим ва кўникмаларини ошириш (5 нафар).<br>5.БГҚ ходимларини "Навоий ИЭС" АЖдаги ХТМда ўкитиш ва малакасини ошириш (27 ходим). | 2022-2023 й. | Сулайманов А., Бабажанов Т. |

Техник директор – бош инженер — М. Нуримбетов

Молия бўйича директор — Р. Джуманиязов

МТТ ва транспорт бўйича директор — А. Бекжанов

Истиқболли ривожлантириш ва инвестиция бўйича директор — Ю. Мадреимов

Хавфсизлик ва режим бўйича директор — Б. Жаксимов

Бош бухгалтер — А. Сулайманов

Иқтисодиёт ва прогнозлаш бўлими — М. Рахимова

Ишлаб чиқариш техника бўлими — Т. Бабажанов